

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/31. 03.2021.Tar.05.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**

**ХОНҚУЛОВ ШАВКАТЖОН ХУРСАНАЛИЕВИЧ**

**ФАРҒОНА ВОДИЙСИДАГИ ИЖТИМОЙ МАДАНИЙ-  
ЖАРАЁНЛАРДА ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЁЗИЙНИНГ РОЛИ**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона – 2022 йил**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation**

**Хонкулов Шавкатжон Хурсаналиевич**

Фарғона водийсидаги ижтимоий маданий жараёнларда Ҳамза Ҳакимзода  
Ниёзийнинг роли.....3

**Хонкулов Шавкатжон Хурсаналиевич**

Роль Хамзы Хакимзаде Ниязи в социально-культурных процессах в  
Ферганской долине.....25

**Xonkulov Shavkatjon Xursanalievich**

The role of Khamza Hakimzoda Niyazi in the socio-cultural processes in the  
Ferghana Valley.....47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....51

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/31. 03.2021.Tar.05.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**

**ХОНҚУЛОВ ШАВКАТЖОН ХУРСАНАЛИЕВИЧ**

**ФАРҒОНА ВОДИЙСИДАГИ ИЖТИМОЙ МАДАНИЙ-  
ЖАРАЁНЛАРДА ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЁЗИЙНИНГ РОЛИ**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона – 2022 йил**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий Аттестация комиссиясида B2019.3.PhD/Tar549** рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона политехника институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз) (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.fdu.uz](http://www.fdu.uz)) ва "Ziyouet" Ахборот таълим порталида ([www.ziyouet.uz](http://www.ziyouet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

**Ражибон Қазрамон Кешаженич**  
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

**Расулов Бахтиёр Махмуджонович**  
тарих фанлари доктори

**Тайронов Ёқубжон Рафикович**  
тарих фанлари номзоди

Ўтказчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети хузуридаги PhD.03/31.03.2021.Tar.05.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил "19" "12" соат14:4даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй, Фарғона давлат университети Гендер тенглиги тадқиқотлар маркази, 1-кават, мажлислар зали. Тел.: (99873) 244-44-02; факс: (99873) 244-44-93; e-mail: [fardu\\_info@umail.uz](mailto:fardu_info@umail.uz), Фарғона давлат университети).

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (     рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. АРМ биноси). Тел.: (99873) 244-44-94).

Диссертация автореферати 2022 йил "3" "12" кунин тарқатилади.  
(2022 йил "3" "12" даги 14 рақамли реестр баённомаси билан).



  
**Б.А.Усмонов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., доцент

  
**Н.О.Олимова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.ф.д., доцент

  
**Р.А.Арслонова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котибидagi илмий семинар раиси, т.ф.и., доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон микёсида юз бераётган глобаллашув жараёнлари ҳар бир давлат, сиёсий-иқтисодий, ижтимоий-маданий муносабатлар тарихини, унинг ривожланиш истиқболларини, шунингдек халқ ва юрт манфаати, тақдири учун қайғурган муайян давр адабиёти вакилларининг фаолиятини кенг, чуқур тадқиқ этиш муҳимлигини кўрсатмоқда. Шу нуқтаи назардан, бугунги кунда маърифатпарвар шахсларнинг тарихий хизматларини холис ўрганиш, шахсиятидаги хусусиятлар, ижобий ва салбий жиҳатларини эътироф этиш ҳамда жамиятда тутган мавқеи ва ўзаро муносабатларини баҳолаш масаласи ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

Дунёнинг етакчи илмий тадқиқот марказларида XIX аср охири – XX аср Туркистондаги жадиличлик ҳаракатининг тарихий илдизи ҳисобланган тараққийпарварликнинг шаклланиши бошлангани ҳамда уларнинг мамлакат илм-фан ривожига қўшган ҳиссаси ва ижтимоий-сиёсий фаолияти каби масалалар жиддий ўрганилмоқда. Шу маънода Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳаёти ва ижодий фаолиятини қайта ўрганиш ҳамда унинг бой адабий меросига қадриятлар билан уйғунликда, янгилик ёндашувда тадқиқ этиш эҳтиёжини вужудга келтирмоқда.

Мустақиллик йилларида жадиличлик ҳаракати ва унинг вакилларига нисбатан муносабатнинг ўзгариши А.Фитрат, М.Бехбудий, С.Айний, М.Абдурашидхонов, А.Авлоний, А.Қодирий, А.Чўлпон сингари маърифатпарварларнинг маънавий-маърифий меросини қайта баҳолашда янги босқични бошлаб берди. Булар орасида Ҳамзанинг совет тузуми даврида холис илмий тадқиқ этишга йўл берилмаган биографияси ва ижодининг турли хил талқинлари майдонга келди. Бу эса унинг ҳаёт йўли ва ижодий фаолиятини чуқур ўрганиш ва текшириш заруриятини тақозо этади. Зеро, “Неча юз йиллик тарих ва маданиятимиз, миллий ўзликимизнинг ажралмас қисмига айланиб кетган аждодларимизнинг бебаҳо маънавий-маърифий меросини ўрганиш ва тарғиб этиш биз учун доимий кун тартибида турадиган муҳим масала бўлиб қолмоқда”<sup>1</sup>. Ўз даврида жадиличлик ҳаракатида фаол қатнашиш баробарида мураккаб тарихий жараёнларнинг иштирокчиси сифатида фаолият олиб борган Ҳамза шахсиятининг етишиб чиқиши, маърифатпарварлик қарашларининг шаклланиши, уларнинг ўз даври ва бугунги кундаги аҳамияти мавзу долзарблигини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони<sup>2</sup>, 2020 йил 8 октябрда Ф-5598-сон “Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: “O‘zbekiston”, 2021. – Б. 291.

<sup>2</sup> Янги Ўзбекистон, – 2022 йил 1 февраль. . – № 22.

Фармойиши<sup>3</sup>, 2017 йил 18 апрелда ПҚ-2829-сон “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида Адиблар хиёбонини барпо этиш тўғрисида”ги қарори ва соҳага оид бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳамза Ҳакимзоданинг Фарғона водийсида кечган ижтимоий-маданий жараёнлардаги ролини ўрганиш бўйича қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Тадқиқот мавзуси маълум маънода ўз аксини топган асарларни қуйидаги учта гуруҳга ажратиш мумкин:

- 1) совет даврида яратилган илмий тадқиқотлар;
- 2) мустақиллик йилларида Ўзбекистонда нашр қилинган ишлар;
- 3) хорижий тадқиқотлар.

*Совет даврида яратилган илмий тадқиқотлар.* Ҳамзанинг ижоди сермазмун ва серқирра бўлиб, ундан катта адабий-маданий мерос қолган. Ўзбек адабиётшунослигида шу меросни тўплаш, нашр этиш, илмий асосда ўрганиш ва халқ орасида кенг тарғиб қилиш соҳасида анча ишлар қилинган. Бироқ, ҳамзашунослик ривожини силлиқ кечгани йўқ, у ўзбек адабиётшунослигининг таркибий қисми сифатида ўз тараққиётида соддаликдан мураккабликка, сохталикдан илмийлик томон кўтарила боришдек қийин йўлни босиб ўтди. Совет даври Ҳамза ижодининг дастлабки тадқиқотчилари шоир хали ҳаёт бўлган XX асрнинг 20-йилларида фаолият кўрсатган Шокир Сулаймон, Раҳим Иноғомов<sup>4</sup> ва бошқалар ҳисобланади.

Уларнинг асарларида Ҳамза Ҳакимзоданинг ҳаёти тўғрисида бирмунча муфассалроқ маълумот берилса-да, унинг бадиий ижоди атрофлича таҳлил этилмайди. Шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида биринчи марта 1935 йилда Ҳамид Олимжон ва Уйғуннинг “Ўзбек совет адабиётининг биринчи даври”<sup>5</sup> мақоласида кенг маълумот учрайди. Лекин, улар ҳам шоирнинг драматургия ва театр соҳасидаги фаолиятига тўхталиб ўтмайдилар.

1940 ва 1942 йилларда ёзилган Сотти Ҳусайн, Комил Яшин, Ҳомил Ёқубов<sup>6</sup> кабиларнинг рисолаларида Ҳамзанинг маърифатпарварлик фаолияти ва маориф соҳасидаги ишлари имкон қадар очиб берилган. Бу борада,

<sup>3</sup> Халқ сўзи. – 2020 йил 9 октябрь. – № 212.

<sup>4</sup> Шокир Сулаймон. Шоиримиз Ҳамза Ҳакимзоданинг қисқача таржимаи ҳоли // Маориф ва ўқитувчи. 1926, № 10-11; Раҳим Иноғомов. Ўзбекистон зиёлилари. – Тошкент: Ўздавнашр, 1926.

<sup>5</sup> Ҳамид Олимжон, Уйғун. Ўзбек совет адабиётининг биринчи даври // Ўзбекистон адабиёти, 1935. № 4. – Б. 36.

<sup>6</sup> Сотти Ҳусайн. Ҳамза Ҳакимзода. Ҳаёти ва фаолияти. Тошкент – Самарқанд, 1940; Комил Яшин. Ҳамза. Тошкент, 1940; Ҳомил Ёқуб. Ҳамза Ҳакимзода – Тошкент: Фан, 1942.

хусусан, адабиётшунос олим Юсуф Султоновнинг “Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ҳаёти ва ижоди”<sup>7</sup> китобида шоирнинг ҳаёти ва асарлари ҳақида анча кенг маълумотлар келтирилган. Бироқ мазкур тадқиқотлар совет мафкураси ҳамда шафқатсиз цензура босими остида яратилди ва шу сабабли шоирнинг маърифатпарварлик йўлидаги саъй-ҳаракатларининг айрим жиҳатлари эътибордан четда қолдирилди.

XX асрнинг 40-йиллари охири ҳамда 50-йилларидан бошлаб Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ҳаёти ва ижодига доир турли материалларни йиғиш, асарларини илмий ўрганишда маълум ютуқларга эришилди, кўплаб диссертациялар химоя қилинди<sup>8</sup>. Аммо бу изланишларда адабиётшунослик нуқтаи назари билан бир томонлама ёндашув кўзга ташланиб, шоирнинг ижтимоий фаолияти тўлиқ ёритиб берилмади.

Ҳамза Ҳакимзоданинг театр, мусика ва драматургия соҳасидаги фаолиятини ўрганиш, унинг асарларини тарғиб этиш борасида Ф.Кароматов, А.Бобохонов, У.Б.Бозоров, З.Миртурсунов, Қ.Сейданов, Ж.Усмонов, Ж.Жумабобоевнинг<sup>9</sup> хизматлари каттадир. Совет даврида Ҳамзага бағишлаб ёзилган асарлар орасида М.Раҳмонов, Л.Қаюмовнинг<sup>10</sup> тадқиқотларини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Улар томонидан Ҳамзанинг ижодий ва ижтимоий фаолияти илмий-бадий лавҳалар асосида бир тизимга келтирилади. Лекин бу муаллифларнинг изланишлари ҳам моҳиятан мафкуравий йўналишда эканлиги билан ажралиб туради.

Ҳамзанинг асарлари 1958 йилда “Избранное”<sup>11</sup> сарлавҳаси билан Москвада рус тилида босилиб чиқди. Шу йилларда украин, туркман, қозоқ, грузин, татар ва бошқа бир қанча тилларга, шунингдек, инглиз, француз, немис, поляк, чех, ҳинд, хитой, араб, уйғур, корейс тилларига таржима

<sup>7</sup>Султонов Ю. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ҳаёти ва ижоди. – Тошкент: Ўздавнашр, 1940.

<sup>8</sup> Пулатов Р. Социальные взгляды и общественно-литературная деятельность выдающегося представителя узбекской советской литературы Хамзы Хакимзаде Ниязи. Дисс...канд. фил. наук. – Самарканд, 1949; Султонов Ю. Хамза Хакимзаде Ниязи как первый узбекский советский писатель. Дисс...канд. фил. наук. – Ташкент, 1949; Бобохонов А. Хамза Ҳакимзода драматургияси (“Бой ила хизматчи” пьесаси асосида) Филол. фан. ном. дисс.... – Тошкент, 1949; Джалалов Г. Хамза и устное народное творчество. Дисс...канд. фил. наук. – Ташкент, 1961; Қаюмов Л. Общественно-политическая деятельность и поэтическое творчество Хамзы Хакимзаде Ниязи. Дисс... док. фил. наук. – Тошкент, 1963; Муминов Г. Вопросы традиции и новаторства в поэзии Хамзы Хакимзаде Ниязи. Дисс... канд. фил. наук. Тошкент, 1964; Мусахужаева С. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий драматургиясида ижобий қахрамон проблемаси: Дисс...канд. фил. наук. – Тошкент, 1967; Аминова М. Эстетические принципы творчества Хамзы Хакимзаде Ниязи. Дисс...канд. фил. наук. – Ташкент, 1968;

<sup>9</sup> Кароматов Ф. Хамза и узбекская советская музыка. – Ташкент: Госиздат УзССР, 1959; Бобохонов А. Педагогическое и литературное наследие Хамзы Хакимзаде Ниязи. – Ташкент: Государственной издательство художественной литературы УзССР, 1960; Бозоров У. Б. Ҳамза ижодининг ғоявий асослари. – Тошкент: Ўзбекистон ССР ФА нашриёти, 1960; Миртурсунов З. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг халк маорифи ва тарбия ҳақидаги фикрлари. – Тошкент: Ўрта ва олий мактаб нашриёти, 1961; Сейданов Қ. Ҳамза ва қардош халқлар адабиёти. – Тошкент: Фан, 1988; Усмонов Ж. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий қадамжолари. – Тошкент: Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989; Жумабобоева Ж. Ҳамза юрган йўллардан. – Тошкент: Фан, 1990.

<sup>10</sup> Раҳмонов М. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ва ўзбек совет театри. – Тошкент: ЎзССР Давлат бадий адабиёт нашриёти, 1959; Қаюмов Л. Инқилоб ва ижод. – Тошкент: Бадий адабиёт нашриёти, 1964; Ўша муаллиф. Ҳамза (Ижтимоий ва ижодий фаолияти ҳақида илмий лавҳалар). – Тошкент: Ёш гвардия, 1973; Ўша муаллиф. Ҳамза (Ижтимоий ва ижодий фаолияти ҳақида илмий бадий лавҳалар). – Тошкент: Ёш гвардия, 1989.

<sup>11</sup> Ҳамза. Избранное. – Москва: Государственное издательство художественной литературы, 1958.

килинди. Ҳамза таваллудининг 70 йиллиги муносабати билан 1960 йил январь-февраль ойларида шоирнинг икки томлик “Асарлар” тўплами<sup>12</sup> нашр қилинди. 1979 йилда Ҳамза Ҳакимзода таваллудининг 90 йиллиги муносабати билан унинг тўрт томлик “Мукамал асарлар тўплами”<sup>13</sup> нашрдан чиқди. Юбилей арафасида машхур давлат ва жамоат арбоблари, драматурглар, санъаткорлар ва адабиётшунос олимларнинг “Ҳамза замондошлари хотирасида”<sup>14</sup> номли китоб нашр этилди.

1989 йилда эса Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий таваллудининг 100 йиллиги юбилеи муносабати билан шоирнинг беш томлик “Тўла асарлар тўплами”<sup>15</sup> ва икки томлик “Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий архивининг каталоги”<sup>16</sup> нашр қилинди. Шунингдек, шоирнинг юбилеи ЮНЕСКО томонидан ҳам халқаро миқёсда нишонланди.

*Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда нашр қилинган ишлар.* Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ижоди ва ўзбек театри, драматургияси ривожига ҳиссаси, ижтимоий-сиёсий, маърифатпарварлик фаолияти ҳамда фожиали ўлими ҳақида мустақиллик йилларида яратилган фундаментал тадқиқотларда<sup>17</sup> анчагина маълумотлар жамланган.

Хусусан, бу соҳада тарихчи олим Қаҳрамон Ражабов<sup>18</sup> самарали илмий изланишлар олиб борган. 2019 йил 29 мартда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда замонавий ўзбек адабиётининг асосчиларидан бири Ҳамза Ҳакимзод Ниёзий таваллудининг 130 йиллиги муносабати билан унинг ҳаёти ва ижодини ўрганишга бағишланган илмий-назарий анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда 40 нафарга яқин адабиётшунос ва тарихчи олимларнинг маърузалари жамланиб “Ҳамза ва XX аср ўзбек адабиёти”<sup>19</sup> номли тўплам чоп этилди.

Туркистон минтақасида, хусусан Фарғона водийсида жадиличлик ҳаракатининг моҳиятини очиб беришда С.Аъзамхўжаев, Д.Алимова, Қ.Ражабов, Р.Абдуллаев, Р.Шамсутдинов, А.Расулов, Т.Қозоқов, К.Воҳидова

<sup>12</sup> Ҳамза. Асарлар. Икки томлик. Том 1-2. – Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти, 1960.

<sup>13</sup> Ҳамза. Мукамал асарлар тўплами. Тўрт томлик. Том 1-4. – Тошкент: Фан, 1979-1981.

<sup>14</sup> Ҳамза замондошлари хотирасида. / Тўплаб нашрга тайёрловчи: М.Аминова. – Тошкент: Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979.

<sup>15</sup> Ҳамза. Тўла асарлар тўплами. Беш томлик. Том 1-5. – Тошкент: Фан, 1988.

<sup>16</sup> Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий архивининг каталоги. Икки томлик. Том 1-2. – Тошкент: Фан, 1990.

<sup>17</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2- китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. / Илмий муҳаррир: М.Жўраев. – Тошкент: Шарқ, 2000; Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. / Научный редактор: Р.Раджапова. – Ташкент: Шарқ, 2000; Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Иккита китоб. Биринчи китоб. 1917-1939 йиллар. / Масъул муҳаррирлар: Р.Абдуллаев., М.Рахимов., Қ.Ражабов. – Тошкент: O`zbekiston, 2019.

<sup>18</sup> Ражабов Қ. Мустақил Туркистон фикри учун мужодалалар (1917 – 1935 йиллар). – Тошкент: Ўзбекистон, 2000; Ўша муаллиф. Мадаминбек. – Тошкент: Abu matbuot-konsalt, 2011; Ўша муаллиф. Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракати: моҳияти ва асосий ривожланиш босқичлари (1918-1924 йиллар). – Тошкент: Yangi nashr, 2015; Ўша муаллиф. Шоҳимардонда шоирнинг ўлими // Vuxoro mavjlari, 2017, № 1. – Б. 48-50; Ўша муаллиф: Шоир Ҳамзанинг сирли ўлимига оид мулоҳазалар // ФарДУ илмий хабарлари. 2018. № 5. – Б. 59-64; Ўша муаллиф. Ҳамзанинг сирли ўлими // Ҳамза ва XX аср ўзбек адабиёти (Мақолалар тўплами). – Фарғона: “Фарғона” нашриёти, 2019. – Б. 60-71; Ўша муаллиф: Туркистон Мухторияти вазирлари ҳамда Миллий Мажлис аъзолари ҳаёти ва тақдири. – Тошкент: Vodomzor invest, 2021 ва б.

<sup>19</sup> Ҳамза ва XX аср ўзбек адабиёти (Мақолалар тўплами). / Масъул муҳаррирлар: Н.Каримов., М.Сиддиқов. – Фарғона: “Фарғона” нашриёти, 2019.

каби тарихчи олимлар<sup>20</sup> ҳамда О.Шарафиддинов, Б.Қосимов, Н.Каримов, У.Долимов, Ш.Ризаев, М.Жумабоев, Т.Турсунов, О.Каримов, С.Мирзаев, Й.Солижонов сингари адабиётшуносларнинг<sup>21</sup> асарлари эътиборга лойиқ.

Бу даврда Ҳамзани ижодий фаолияти тўғрисида адабиётшунослар томонидан айрим диссертациялар ҳам ҳимоя қилинди<sup>22</sup>.

*Хорижий тадқиқотлар.* СССР парчалангандан сўнг, Россия Федерациясида қилинган айрим тадқиқотларда<sup>23</sup> Туркистондаги жадидчилик ҳаракати, ўлканинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти ҳақида изланишлар олиб борилди. 2019 йил 29 мартда Оренбург шаҳрида Қозон, Нижний Новгород, Оренбург ва Уфа (Россия) ҳамда Тошкент (Ўзбекистон) шаҳарларидан 120 нафарга яқин фан ва таълим муассасалари вакиллари, миллий маданий бирлашмаларнинг раҳбарлари, фаоллари, мусулмон уламолари иштирокида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг 130 йиллигига бағишланган “Ислом институтларини янги замон талабларига мослаштиришнинг Евроосиё тажрибаси (жадидчилик мисолида)” мавзусида халқаро илмий анжуман ўтказилиб<sup>24</sup>, шоирнинг ижодий фаолияти кенг ёритилди. Шунингдек, Тожикистонда М.И.Бакиев, Н.Ғафаров<sup>25</sup> каби олимларнинг тадқиқотларида ҳам Ҳамза Ҳакимзоданинг театр соҳасидаги фаолияти ҳақида маълумотлар келтирилган.

Хорижда жадид маърифатпарларини асарларини ўрганиш ва уларни

---

<sup>20</sup> Абдуллаев Р. Миллий – сиёсий ғоялар тарихидан // Инсон ва сиёсат. 1991. № 9. – Б. 87- 94; Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти: миллий-демократик давлатчилик қурилиш тажрибаси. – Тошкент: Маънавият, 2000; Алимова Д. Джадидизм в Средней Азии. Пути обновления, реформы, борьба за независимость. – Ташкент: Ўзбекистон, 2000; Ўша муаллиф. История как история, история как наука. Том. 1. История и историческое сознание. – Ташкент: Ўзбекистон, 2008; Ўша муаллиф. История как история, история как наука. Том. 2. Феномен джадидизма. – Ташкент: Ўзбекистон, 2009; Шамсутдинов Р. Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар. – Тошкент: Шарқ, 2001; Козаков Т.К. Общественно-политическое положение в Ферганской долине и джадидское движение в начале XX века.: Автореф. дис... канд. ист. наук. – Ташкент, 2001; Воҳидова К.А. Исхакхан Жунайдуллаходжа Ибрати ево научно-историческое наследие: Автореф. дис. канд ист.наук. – Ташкент: 2002. Солмонов А. Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг диний сиёсати: уйдирма ва тарих ҳақиқати. – Тошкент: Тафаккур, 2015; Расулов А., Исақбоев А., Насретдинова Д. Туркистон ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётида татарлар. – Тошкент: Турон-Иқбол, 2019.

<sup>21</sup> Долимов У. Исҳоқхон Ибрат. – Тошкент: Шарқ, 1994; Ризаев Ш. Жадид драмаси. – Тошкент: Шарқ, 1997; Ўша муаллиф. Маънавият манзиллари. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт, 2008; Жумабоев М. Ўзбек болалар адабиёти. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002; Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. – Тошкент: Шарқ, 2004; Мирзаев С. XX – аср ўзбек адабиёти. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005; Қосимов Б. Ўзбек адабиёти ва адабий алоқалари тарихи. – Тошкент: Фан ва технология. 2008; Каримов Н. XX-аср ўзбек адабиёти манзаралари. Биринчи китоб. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008; Турсунов Т. XX аср ўзбек театри тарихи, – Тошкент: Fan va texnologiyalar, 2009; Солижонов Й. Фарғона адиблари. – Фарғона: “Фарғона” нашриёти, 2015; Каримов О. Янги ўзбек адабиёти тарихи. – Наманган: “Наманган” нашриёти, 2016.

<sup>22</sup> Ахмедов Ш. Особенности лирики Хамзы (на основе “Дивана Нихани”). Автореф. дис...канд фил. наук. – Ташкент, 1992; Насриддинов А. Гуманистическая сущность просветительских воззрений Хамзы (дореволюционный период). Автореф. дис...канд фил. наук. – Ташкент, 1993; Амонов Ш. Ҳамза шеърятининг манбалари, матний тадқиқи. Филол. фан. ном. дисс... – Тошкент, 2010.

<sup>23</sup> Брежнева С.Н. Историография проблемы присоединения Туркестанского края к России (вторая половина XIX в – начало XX в). Автореф.дис...док. ист. наук. – Москва, 2005; Бороздин С.С. Политика российских властей в отношении мусульманского населения Туркестана и Бухары (1867 - 1914). Автореф.дис...док. ист. наук. – Екатеринбург, 2012.

<sup>24</sup> “Евразийский перекресток». Сборник материалов научно практических мероприятий. Выпуск тринадцатый. – Оренбург-Уральск: Университет, 2020.

<sup>25</sup> Бакиев М.И. История просветительского движения и свободомыслия в Средней Азии (конец XIX – начало XX века) Автореф.дис...док. ист. наук. – Душанбе, 2000; Ғафаров Н.У. Джадидизм в Средней Азии в конце XIX – начале XX вв. Автореф.дис...док. ист. наук. – Душанбе, 2013.

кенг тарғиб қилиш борасида Боймирза Ҳайит, Эдвард Олворт, Темур Хўжаўғли, Эдворт Лаззерини, Христофор Мурфи, Эден Наби, Адиб Холид каби олимлар<sup>26</sup> фаол иштирок этишган.

Уларнинг асосий тадқиқот объекти Туркистондаги сиёсий вазият ва ижтимоий ҳодисаларни таҳлил қилишга қаратилган эди. Эътиборли жиҳати шундаки, хорижий тадқиқотларда жади́дчилик ҳаракатида иштирок этган шахслар, жумладан, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий асарларининг ғоявий ва бадиий жиҳатлари, жади́дларнинг эстетик идеали масалалари холис очиб берилади. Масалан, Э.Олворт жади́дларга хос бўлган эрк, миллий истиқлол, миллатпарвалик ғояларининг ифодаланишини тадқиқ қилиб, Ҳамзанинг “Тошбақа билан Чаён” масалидаги рамзий образлар таҳлили орқали давр манзарасини кўрсатишга эришади. Адиб Холид Ҳамза драмалари ва шеърларининг ижтимоий-сиёсий томонларига тўхталиб, бутун Туркистонда жади́длар томонидан нозик сўз санъати ўз мақеини сақлаб қолганлигини изоҳлайди<sup>27</sup>.

Амалга оширилган тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатдики, уларда маърифатпарвар шоир фаолиятининг муайян жиҳатлари бўйича изланишлар олиб борилган. Аммо Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти ва илмий мероси бўйича тарих фани соҳасида яхлит ҳолатдаги махсус илмий тадқиқот яратилмаган. Айни ҳолат мазкур мавзунини алоҳида тадқиқот доирасида ўрганиш заруриятини кучайтиради.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Фарғона политехника институти илмий тадқиқот-ишлари режасига мувофиқ “Ватан тарихи янги тадқиқотларда” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг Фарғона водийсидаги ижтимоий-маданий жараёнлардаги ўрнини изчил ва тизимли асосда аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

жади́дчилик ҳаракати вужудга келишининг тарихий зарурияти ва сабабларини таҳлил этиш ва бу жараёнда Ҳамзанинг хизматларини кўрсатиш;

Фарғона водийсида совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва унинг оқибатларига илмий баҳо бериш;

---

<sup>26</sup> Allworth E. Nationalities of the Soviet East publication and writing systems. – New York – London: Columbia University press, 1971; Naby E. The Transitional Central Asian Literature: The Tajik and Uzbek Literary prose fiction from 1909 till 1932: – Columbia University, 1975; Hayit B. Türkistan Rusya ile Çin arasında. –İstanbul: Otaç yayınları, 1975; Ўша муаллиф. Türkistan Devletlerinin Milli Mücadeleleri Tarihi. 3. Baskı. –Ankara: Türk Tarih Kurumu Basimevi, 2004; Ch. Murphy. Muslims in Central Asia. – Durham – London: Duke University press, 1992; Russia’s Orient. Imperial Borderlands and Peoples. 1700 – 1917 /M. Khodorkovsky, Y. Sleskine, J. Lazzzerini and Khalid A etc.; ed Daniel R. Brower and J. Lazzzerini. – Bloomington: Indiana University press, 1997; Khalid A. The Politics of Muslims Cultural Reform. Jadidism in Central Asia. – Berkeley – Los Angeles – London: California University press, 1998; Ўша муаллиф. Central Asia: A New History From the Imperial Conquests to the Present. – Princeton-Oxford: Princeton University press, 2021; Ўша муаллиф. Ўзбекистон таваллуди: илк СССР даврида миллат, империя ва инқилоб. – Тошкент: Академнашр, 2022.

<sup>27</sup> Khalid A. The Politics of Muslims Cultural Reform. Jadidism in Central Asia. – P. 128.

Ҳамза ҳаётининг асосий босқичлари, унинг маърифатпарвар сифатидаги фаолиятини тадқиқ қилиш;

шоирнинг асарлари ва илмий публицистик мақолаларида ижтимоий, сиёсий ҳамда мустақиллик ғояларининг акс этишини очиб бериш;

шоирнинг большевизмга муносабати, совет идораларидаги фаолиятининг мақсад ва моҳиятини кўрсатиб бериш;

Ҳамзанинг Шохимардондаги ҳаёти ва фожиали ўлими сабабларини илмий ёритиш ҳамда уламоларнинг қатағон қилиниши ва совет ҳокимияти томонидан шоир шахсиятининг улуғланиши сабабларини ўрганиш.

тадқиқот юзасидан тегишли хулосалар чиқариш ҳамда илмий-амалий аҳамият касб этган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг Фарғона водийсидаги ижтимоий - маданий жараёнлардаги роли белгиланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг асарлари ва мақолалари, жадидчилик ҳаракатига оид тадқиқотлари, маърифатпарварлик қарашлари, шоирнинг шахсий архивидаги ҳужжат ва материаллар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тарихийлик, тизимлилик, холислик тамойиллари, муаммога цивилизацион ёндашув ҳамда қиёсий ва муаммовий-хронологик таҳлил каби усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Ҳамзанинг шахсий архиви фондларида сақланаётган ҳужжатлар асосида совет ҳокимияти йилларида нашр этилган адабиётларда шоирнинг ижодий фаолияти билан боғлиқ айрим саналар, шахс номлари, шунингдек, ўша даврнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлари акс этган шеър ва мақолалари киритилмагани ҳамда нашрга тайёрлашда матний хатоликларга йўл кўйилгани аниқланган;

Ҳамза ўзининг шеър, мақола ва асарларида ўлка ижтимоий-маданий жараёнлардаги зиддиятларнинг ижобий, салбий хусусиятларини намоён этиш, тарихий шахс сиймоси, унинг характери, дунёқараши, турмуш тарзи, маърифий қарашларини талқин этиш орқали даврнинг турли босқичларида содир бўлган муҳитни тасвирлашда фойдаланилгани далилланган;

совет ҳокимияти йилларида Ҳамзанинг таниқли жадид зиёлилари билан бадиий, илмий, публицистик ва шахсий ёзишмаларига оид янги маълумотлар, жумладан, юрт озодлигига ундовчи, хотин-қизлар ва ёшларни илм олишга чорловчи шеърлари мафкуравий таъкиб туфайли унинг фаолияти билан боғлиқ адабиётларда акс этмагани исботланган;

шоирнинг халқ оғзаки ижодига бўлган муносабати, қизиқиши, анъанавий халқ кўшиқларини тўплаш, саралаш ва тарғиб қилиш, куйлар яратиш ва уларни маромига етказиб ижро этиш борасида фаолияти, Ҳамзанинг илк бор жадид шеъриятига ҳажвий кўшиқ жанрини олиб кирганлиги ҳамда унинг дастлабки ўзбек операси намунасини яратган шоир ва композитор эканлиги асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Ҳамзанинг Фарғона водийсидаги ижтимоий ва маданий жараёнлардаги ўрни ва маърифатпарварлик фаолияти тўғрисидаги фикрлардан Ўзбекистоннинг XX аср биринчи ярми адабиёти ва тарихини янги материаллар билан тўлдириш имкони мавжудлиги аниқланди;

тадқиқотга шоирнинг ижоди ва фаолиятига оид архив ҳужжатлари ҳамда газета ва журналларнинг материаллари жалб этилиб, Ҳамза ижодини ўрганишнинг замон руҳига мувофиқлиги, услубий асослари ва ҳамзашуносликни талқин этишнинг асосий тамойиллари шакллантирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда тарих фани бўйича тан олинган ёндашув ва усулларнинг қўлланилиши, кўплаб тарихий адабиётлардан фойдаланилиши, бирламчи манбаларга асосланилиши, хулоса, тақлиф ва тавсияларининг амалиётга жорий қилиниши, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг Фарғонадаги жадидчилик ҳаракатида тутган ўрни, ижтимоий фаолияти ҳақида илмий-назарий билимларни янада чуқурлаштириш, тарихийлик, холислик, тизимлилик тамойиллари асосида ёритилиши мазкур муаммога оид методологик-услубий ёндашувлар ва назарий хулосаларни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти бугунги кунда маънавий кадрлар, миллий ғоя, маданий мерос, ўзбек халқи ва давлатчилик тарихини тадқиқ этишга бағишланган мақсадли давлат дастурларининг бажарилишига ҳамда тарихий билимларни янада ривожлантириш билан изоҳланади. Шунингдек, яратиладиган дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг муккамаллашувига хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Фарғона водийсидаги ижтимоий маданий жараёнларда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ролини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий хулоса ва тақлифлар асосида:

Ҳамзанинг шахсий архиви фондларида сақланаётган ҳужжатлар асосида совет ҳокимияти йилларида нашр этилган адабиётларда шоирнинг ижодий фаолияти билан боғлиқ айрим саналар, шахс номлари, шунингдек, ўша даврнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлари акс этган шеър ва мақолалари киритилмагани ҳамда нашрга тайёрлашда матний хатоликларга йўл қўйилгани, унинг шеър, мақола ва асарларида ўлка ижтимоий-маданий жараёнлардаги зиддиятларнинг ижобий, салбий хусусиятларини намоён этиш, тарихий шахс сиймоси, унинг характери, дунёқараши, турмуш тарзи, маърифий қарашларини талқин этиш орқали даврнинг турли босқичларида мавжуд муҳитни тасвирлашда фойдаланилиши каби маълумотлардан Ўзбекистон тарихи давлат музейи экспозициясини “Ўзбекистон совет тоталитар тузуми даврида” бўлимини янги материаллар билан бойитишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2022 йил 24 мартдаги 3/1255-66-сон маълумотномаси). Тақдим этилган материаллар

музей фондини бойитишга, ташриф буюрувчиларнинг бу борадаги билимлари ва тасаввурларини бойитишга хизмат қилади.

Совет ҳокимияти йилларида Ҳамзанинг таниқли жаҳид зиёлилари билан бадий, илмий, публицистик ва шахсий ёзишмаларига оид янги маълумотлар, жумладан, юрт озодлигига ундовчи, хотин-қизлар ва ёшларни илм олишга чорловчи шеърлари мафкуравий таъқиб туфайли унинг фаолияти билан боғлиқ адабиётларда акс этмагани, шоирнинг халқ оғзаки ижодига бўлган муносабати, қизиқиши, анъанавий халқ кўшиқларини тўплаш, саралаш ва тарғиб қилиш, куйлар яратиш ва уларни маромига етказиб ижро этиш борасида фаолияти, шоирнинг илк бор жаҳид шеърлятига ҳажвий кўшиқ жанрини олиб кирганлиги каби маълумотлардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston tarixi” телеканалда эфирга узатилган “Тақдимот” кўрсатувининг сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпанияси “Ўзбекистон телерадиоканали” ДУКнинг 2022 йил 17 мартдаги 06-31-610-сон маълумотномаси). Илмий натижалар телетомошабинларга Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг Фарғона водийсидаги ижтимоий-маданий жараёнлардаги роли ҳақида ҳолис билимларини етказиб берилишига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 10 та илмий конференцияларда, шу жумладан, 3 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш нашр этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий журналларда 4 та мақола, жумладан, 4 та мақола республика, 4 та мақола хорижий журналларда ҳамда 10 та халқаро ва республика илмий-амалий анжуманлари тезисларида эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Тадқиқот кириш, учта боб, хулоса, илова ҳамда фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 156 бетдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланиб, муаммонинг ўрганилганлик даражаси таҳлил қилинган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, олинган натижаларнинг ишончилиги асосланган ҳамда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, ишнинг апробацияси ва таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“XIX аср охири ва XX аср биринчи чорагида Фарғона водийсидаги ижтимоий жараёнлар”** деб номланган биринчи боби Туркистонда жаҳидчилик ҳаракати вужудга келишнинг тарихий зарурияти ва сабаблари, Фарғона водийсида совет ҳокимиятининг ўрнатилиши, унинг

оқибатлари масалаларига бағишланган. Россия империяси Туркистон минтақасини босиб олишда ўзининг кенг кўламли, тўрт босқичдан иборат бўлган ҳарбий мустамлакачилик юришларини олиб борди. 1876 йил 19 февралда Қўқон хонлиги тугатилиб, ўрнида Фарғона вилояти ташкил этилди. Қисқа фурсатда мустамлакачилар учун Фарғона водийси пахта етказиб берувчи асосий базага ҳамда иқтисодий қарам объектга айлантирилди<sup>28</sup>.

Россия империяси иқтисодиёти учун хомашё базасига айлана бошлаган ўлка хўжалигида донли экин майдонларининг қисқартирилиши, ҳунармандчилик-қосибчилик ишлаб чиқаришининг тушкунликка учраши ўлканинг иқтисодий тобелигини янада кучайтирди<sup>29</sup>. Турғунлик ва халқ оммасининг қашшоқлашувиغا олиб борувчи иллатлар ўлкадаги илғор фикрли зиёлиларни бефарқ қолдирмади. Зиёлиларнинг муайян гуруҳи ана шу муддаоларни онгли ифодачилари сифатида майдонга чиқдилар<sup>30</sup>.

Айниқса, рус-япон урушидаги мағлубият, Россиядаги инқилобий ҳаракатлардан сўнг бошланган ижтимоий - сиёсий ўзгаришлар жадиждларнинг фаоллиги ошишига тўртки бўлди. Шунингдек, жадиждчилик ҳаракатини вужудга келишида Туркиядаги “Иттиҳод ва тараққий” (Ёш турклар ҳаракати)нинг ҳам таъсири катта бўлди. Бундан ташқари, турк дунёси марказлари Истанбул, Қрим, Қозонда чоп этилган жадиждчилик руҳидаги адабиётлар ва газета, журналлар Туркистонда кенг ёйила бошлади. Туркистонда, хусусан Фарғона водийсида жадиждчилик ҳаракатини вужудга келиши ва ривожланишида Исмоил Гаспиралининг (1851-1914) ўрни эътиборлидир. Айниқса, унинг мустамлака зулми остида азият чекаётган мусулмон туркийларни озодликка чорлаб чиқарган “Таржимон” газетаси катта аҳамиятга эга бўлган. Мазкур газетага Қримнинг Россия тасарруфига ўтганлигининг 100 йиллиги муносабати ҳамда рус ва татар тилларида нашр этиш шарти билан у 1883 йилда нашрдан чиқаришга ижозат берилади. Газетага дастлаб Қримда истиқомат қилувчи атига тўққиз киши обуна бўлган эди<sup>31</sup>. Газета саҳифаларида бутун Россия империяси, Шарқий Туркистон ва Усмонли империясидаги ислоҳотлар ёритилиб, тез орада замонавий таълимга кизиққан Волга-Урал татарлари орасида машҳур бўлди<sup>32</sup>.

Н.У.Гаффаровнинг таъкидлашича, совет тарихчиси Е.Федоров ҳам “Марказий Осиёда жадиждчилик деб номланган оқим “Таржумон” газетасининг бевосита таъсири остида пайдо бўлган” деб ёзади<sup>33</sup>. 1884 йилда

---

<sup>28</sup> Умаров А.И. Культурная жизнь Ферганской долины во второй половине XIX – начале XX вв. Автореф. дис. канд. ист. наук. – Ташкент, 1985. – С. 13.

<sup>29</sup> Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Иккита китоб. Биринчи китоб 1917-1939 йиллар. / Масъул муҳаррирлар: Р.Абдуллаев, М.Раҳимов, Қ.Ражабов. – Тошкент: O`zbekiston, 2019. – Б. 16.

<sup>30</sup> Абдуллаев Р. Миллий сиёсий ғоялар тарихидан // Инсон ва сиёсат. 1991, № 9. – Б. 91.

<sup>31</sup> Исмоилбек Гаспринский ва Туркистон. / Масъул муҳаррир: Н.Каримов. – Тошкент: Шарқ, 2005. – Б. 15.

<sup>32</sup> Khalid A. Central Asia: A New History From the Imperial Conquests to the Present. – Princeton – Oxford:, Princeton University press. 2021. – P. 146.

<sup>33</sup> Гаффаров Н.У. Джадидизм в Средней Азии в конце XIX – начале XX. Автореф. Дис. д.и.н. – Душанбе: 2013. – С. 27.

Исмоилбекнинг машхур “Таржимон” газетасига обуна бўлган 1000 кишининг 200 нафари ҳам Туркистондан эди<sup>34</sup>.

Фарғонанинг машхур жадидларидан Исҳоқхон Ибрат ўлкада янги тарқалаётган “Таржимон” газетаси билан биринчи марта Қўқон мадрасасида ўқиб юрган кезлари танишади. Шунингдек, Ибрат томонидан ташкил этилган “Исҳоқия” кутубхонасида “Таржимон” газетасининг ҳатто 1884 йилги бойламлари ҳам бўлган<sup>35</sup>.

“Таржимон” газетасини мунтазам кузатиб борган Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳам Гаспралининг 1906-1907 йилларда шу газета саҳифаларида босилган, бутун турк оламининг, шу жумладан, Туркистон ўлкасининг мустамлака зулми остига тушиб қолиши сабаблари ҳақида баҳс юритувчи “Муколамаи салотин” асари билан таниш бўлган<sup>36</sup>.

XIX аср охири ва XX аср бошларида Фарғона водийсидан жадидчилик ҳаракатининг вужудга келиши ва ривожланишига муносиб ҳисса қўшган кўплаб таниқли намояндалар етишиб чиқдилар. Масалан, Обиджон Маҳмудов, Ашурали Зохирий, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Ибодий, Ибрат, Сўфизода ва Абдулҳамид Чўлпонлар турли соҳаларда миллат равнақи учун фаолият кўрсатдилар.

Жадидлар халқ оммасини саводли қилишга, уларни жаҳолат уйқусидан уйғотиш учун мактаблар очдилар. Фарғона водийсида илк жадид мактаби 1897 йил Андижонда пахта тозалаш заводи биносида ташкил этилиб, дастлаб, мактабда татар ўқитувчилар ўз фарзандларини заводда хизмат қилишлари учун ўқитишган. Кейинроқ маҳаллий аҳолининг мактаб ёшидаги фарзандлари ҳам қабул қилинган<sup>37</sup>. Аммо, архив маълумотларига кўра водийдаги дастлабки янги усул мактаби Фарғона ўқув юртлари инспекторининг Туркистон ўқув юртлари бош инспекторига 1909 йил 6 декабрда йўллаган янги усул мактаблари ҳақидаги маълумотномасида Қўқон уезида Аҳмаджон Қори томонидан 1893 йилда очилганлиги қайд қилинади<sup>38</sup>. Ўша вақтда Қўқондаги янги усул мактаблардан 4 таси 1893-1900 йилларда вужудга келган. Улар орасида биринчи жадид мактаби Мираюббой маҳалласида ташкил қилинган эди. Ундаги 100 нафар ўқувчига ўқитувчи Аҳмаджон қори ва учта ёрдамчиси таълим берган<sup>39</sup>.

Фарғона водийсида XX асрнинг бошларида янги ўзбек миллий театрининг дунёга келиш даври бўлди. Театр намойишларидан тушадиган маблағ жойларда моддий қийинчиликдан қийналиб ва ёпилиб қолаётган “усули жадид” мактабларига катта иқтисодий ёрдам бера олар эди<sup>40</sup>.

<sup>34</sup> Маҳмудўжа Бехбудий. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2006. – Б.8.

<sup>35</sup> Долимов У. Исҳоқхон Ибрат. – Тошкент: Шарқ, 1994. – Б. 11.

<sup>36</sup> Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёт. /Масъул муҳаррирлар: Б.Қосимов., Ш.Юсупов., У.Долимов., Ш.Ризаев., А.Аҳмедов. – Тошкент: Маънавият, 2004. – Б. 248.

<sup>37</sup> Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865-1924 годы). – Москва: Академия педагогических наук, 1960. – С. 253.

<sup>38</sup> Ўзбекистон миллий архиви, И-47-фонд, 1-рўйхат, 1004-иш, 95-варақнинг орқа томони.

<sup>39</sup> Козаков Т.К. Общественно-политическое положение в Ферганской долине и джадидское движение в начале XX века. Автореферат дисс. канд. ист. наук. – Ташкент, 2001. – С. 17.

<sup>40</sup> Ризаев Ш. Жадид драмаси. – Тошкент: Шарқ, 1997. – Б. 84.

1917 йил феврал инқилоби ғалабасидан кейин бутун мамлакатда бўлгани каби Фарғона водийсида ҳам кўшхокимиятчилик вужудга келди. Муваққат ҳукуматнинг органлар (волость, шаҳар, вилоят ижтимоий комиссарлари билан бир қаторда 1917 йил март ойида ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Советлари ташкил қилинди<sup>41</sup>.

Туркистонда Муваққат ҳукуматга муҳолифат бўлган большевиклар қиёфасидаги янги куч аста-секин етилиб бориб, солдат ва ишчи депутатлари Советларига суянган ҳолда сиёсий курашга фаол киришиб кетди. Расмий ҳужжатларда келтирилишича, Туркистон ўлкасида большевикларнинг миқдори 1917 йил ноябрида атига 40 нафар бўлган. Бу вақтда маҳаллий миллат вакилларида бирор киши ҳам большевиклар партияси сафига кирмаган<sup>42</sup>.

Қўқонда 1917 йил 26-29 ноябр кунлари Бутунтуркистон ўлка мусулмонларининг фавқулодда IV қурултойи бўлиб ўтди. Қурултой ишида Туркистоннинг барча ҳудудларидан 300 нафардан ортик, жумладан, рус ташкилотлари вакилларида ҳам делегатлар иштирок этди. 1917 йил 27 ноябр куни қурултой Таъсис Мажлиси чақирилишига ҳеч қандай умид қолмаганлиги ва ягона йўл мухторият эълон қилиш эканлигини эътироф этган ҳолда, Туркистон Мухторияти ҳукумати тузилганлигини эълон қилди<sup>43</sup>.

Миллий давлатчиликнинг қарор топишини жўшқин муборакбод этиб, матбуотда таниқли маърифатпарвар, диний, жамоат ва сиёсат арбоблари бирин - кетин чиқишлар қилиб, мухторият ҳақида ўзларининг ижобий фикларини билдирдилар. Улар орасида Бехбудий, Фитрат, Мирмуҳсин Шермуҳаммад ўғли, Абдулхамид Чўлпон, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Кабир Бакиров, Ислом Шоаҳмедов ва бошқалар бор эди<sup>44</sup>.

Туркистон Мухторияти ҳукуматининг ташкил топиши ва унинг ўлка маҳаллий аҳолиси манфаатларига мос тушувчи сиёсати большевиклар томонидан салбий тарзда кутиб олинди. 1918 йил 18 февралдан 19 февралга ўтар кечаси Туркистон Халқ Комиссарлари Совети томонидан юборилган 11 та эшелондаги ҳарбий қисмлар 50 минг кишилик аҳолиси, 382 масжиди, 40 мадрасаси, 6 минг нафар диний хизматчиси ва 11 банки бўлган Қўқонга етиб келдилар<sup>45</sup>. Қўқон шаҳри аёвсиз вайрон қилинди. Шаҳар ва унинг атрофларида 10 минглаб кишилар ўлдирилди<sup>46</sup>.

“Улуғ Туркистон” газетаси чуқур қайғу билан хабар берганидек, “20(7) февраль куни Хўқанд (Қўқон) тарихининг энг даҳшатли куни эди. Бунда арманилар айрича фаолият кўрсатганлар...”<sup>47</sup>. Газетадаги ушбу мақола

<sup>41</sup> Қўқонбоев А. Фарғонада совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш учун, кураш. – Тошкент: ЎзССР давлат нашриёти, 1958. – Б. 12.

<sup>42</sup> Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Иккита китоб. Биринчи китоб. 1917-1939 йиллар. / Масъул муҳаррирлар: Р.Абдуллаев., М.Раҳимов., Қ.Ражабов. – Тошкент: O'zbekiston, 2019. – Б. 38.

<sup>43</sup> Ражабов Қ. Туркистон Мухторияти вазирлари ҳамда Миллий Мажлис аъзолари ҳаёти ва тақдири. – Тошкент: Vodomzor invest, 2021. – Б. 10.

<sup>44</sup> Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти. – Б. 132.

<sup>45</sup> Ҳасанов М. Туркистон Мухторияти: ҳақиқат ва уйдирма // Фан ва турмуш. 1990, № 9. - Б.7.

<sup>46</sup> Раджабов К.К.Истиклолчилик ҳаракати в Ферганской долине: сущность и основные этапы развития (1918-1924 гг.). Автореферат дис...канд. ист. наук. – Ташкент, 1995. – С. 21-22.

<sup>47</sup> Хўқанд фожиаси // Улуғ Туркистон. 1918 йил 8 март.

“Хўқанд – ҳозир ўликлар шаҳри” деган даҳшатли ибора билан тугайди<sup>48</sup>. Ниҳоят, 1918 йил 22 февралда Қўқон шаҳридаги Рус-Осиё банки биносида большевиклар томонидан тайёрланган “тинчлик шартномаси” имзоланди.<sup>49</sup>

1918 йил 20 февраль тонгида Туркистон Мухторияти ҳукумати фаолияти тугатилди. Ўша куни қамоққа олишлар ҳам бошланди. Ушбу қонли фожиалардан сўнг бошқа шаҳарлар каби Қўқонда, умуман, Фарғона водийсида совет ҳокимияти мажбуран ўрнатилди<sup>50</sup>.

Диссертациянинг “**Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти**” деб аталган иккинчи бобида Ҳамза ҳаётининг асосий босқичлари, унинг жадид шоири ва драматурги сифатидаги фаолияти ҳамда шоир ижодида Туркистон мустақиллиги ғоясининг акс этиши каби масалалар тадқиқ қилинган.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ниҳоятда мураккаб, бироқ мазмундор ҳаёт йўлини босиб ўтди. У 1889 йил 6 март Қўқон шаҳрида табиб оиласида дунёга келди<sup>51</sup>. Ҳамзанинг отаси Ямин Ниёз ўғли асли Аввал қишлоғидан бўлиб, у 1836 йилда туғилиб, 1920 йил оламдан ўтади. Отаси 16 ёшида Бухорога бориб ўқиган кейин халқ табиби бўлиб қайтган, кейин Ҳакимча номи билан машҳур бўлган. Унинг ота-боболари ҳам табибчилик билан шуғулланишган. Ҳамзанинг бобоси Ниёз Муҳаммад қўли енгил табиб бўлганлиги учун Қўқон хони Худоёрхон саройига таклиф қилинади ва маълум вақт саройда ишлайди. Ҳамзанинг онаси Жаҳонбиби эридан 8-10 ёшлар кичик бўлиб, 1910 йилнинг 18 июлида вафот этган. Жаҳонбиби ҳам ўқимишли ва ширинсўз аёл бўлган<sup>52</sup>.

Ямин Ниёз ўғли ва Жаҳонбибиларнинг оиласида ўнга яқин фарзанд бўлса-да, булардан фақат икки ўғил ва икки қиз омон қолади. Жумладан, Исроилжон, Ҳожалой, Ачахон ва Ҳамза<sup>53</sup>. Ҳамза 1898 йилда отаси ёрдамида ўзбекча ва форсчадан савод чиқариб, 1899 йилдан 1906 йилгача Қўқондаги мадрасада ўқишни давом эттирди<sup>54</sup>. Ўша давр мадрасаларида, асосан учта нарсага, хусусан диний ақидалар, мусулмон ҳуқуқшунослиги ва араб тилини ўрганишга катта аҳамият берилган<sup>55</sup>. Ҳамза ижодининг илк палласи 1905 йилга тўғри келади. У дастлабки шеърларини “Ниҳон” (“Яширин”) таҳаллуси билан имзолаган<sup>56</sup>.

1909 йилда Ҳамза Бухорога боради, Тошкентда 1910 йил 12-декабр санасида Қашқар дарвоза маҳалласида янги усул мактабини очади<sup>57</sup>, орадан

<sup>48</sup> Ражабов Қ. Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракати: моҳияти ва асосий ривожланиш босқичлари (1918-1924 й.). – Тошкент: Yangi nashr, 2015. – Б. 85-86.

<sup>49</sup> Ражабов Қ. Туркистон Мухторияти вазирлари ҳамда Миллий Мажлис аъзолари ҳаёти ва тақдири. – Тошкент: Vodomzor invest, 2021. – Б. 16.

<sup>50</sup> Аминов У. М. Из истории установления советской власти в Ферганской области // Общественные науки в Узбекистане, 1967, № 10. – С. 59.

<sup>51</sup> Шокир Сулаймон. Шоиримиз Ҳамза Ҳакимзоданинг қисқача таржимаи холи // Маориф ва ўқитувчи. 1926, № 10-11. – Б. 62.

<sup>52</sup> Фарғона вилояти давлат архиви (Фарғона ВДА). 1160-фонд, 1-рўйхат, 321-иш, 16-варақ.

<sup>53</sup> Аминов Б. Ҳамзанинг авлод шажараси // Ёш ленинчи. 1976 йил 7 январ.

<sup>54</sup> Фарғона ВДА. 1160-фонд, 1-рўйхат, 321-иш, 21-варақ.

<sup>55</sup> Мўминов И. Ўзбекистонда табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий тафаккур тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 154.

<sup>56</sup> Мирзаев С. XX аср ўзбек адабиёти. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. – Б. 122.

<sup>57</sup> Ўзбекистон ФА Давлат адабиёт музейи архиви, 596-фонд (Ҳамза архиви), 1- хужжат, 4-варақ

бир йил ўтиб эса, 1911 йилда Қўқонда ҳам шундай мактаб ташкил этади<sup>58</sup>. 1913 йил март ойида саёҳатга отланади. Ҳамза бу сафарни куйидагича хотирлайди, жумладан “Афғонистон, Ҳиндустон, Макка, Мадина, Шом, Бейрут билан саёҳат қилиб, Истанбулга ўқишга келган бўлсам ҳам, ўзим билетсиз қочиб борган учун, отам ҳамда бир рус кизидан уйланган оилам юборган ачулик хатлардан кўриб қайтдим”<sup>59</sup> – деб ёзади. Ҳамза саёҳат вақтида бир муддат Истанбулда қолиб, “Дорул воизин” мактабида таҳсил олади<sup>60</sup>. Шоир 1914 йил 8 декабрда Қўқонда Муҳаммад Шариф маҳалласида Миразиз элликбоши ўғлининг боғида “Дорул айтом” (Етимлар уйи) очади<sup>61</sup>. Мактаблар учун “Енгил адабиёт”<sup>62</sup>, “Ўқиш китоби”<sup>63</sup>, “Қироат китоби”<sup>64</sup> каби дарсликларни яратди.

Шоир ўз даврида содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларни синчиклаб кузатиб борди. “Садойи Туркистон”<sup>65</sup>, “Садойи Фарғона”<sup>66</sup>, “Улуғ Туркистон”<sup>67</sup> газеталарида, “Ал-Ислох”<sup>68</sup> журналида Ҳамзанинг публицистик мақолалари мунтазам босилиб турган эди. Унинг мақолаларида маҳаллий халқнинг ижтимоий, маънавий ва руҳий ҳаётининг манзаралари ниҳоятда ёрқин тасвирланган. Ҳамза 1914-1916 йиллар ичида йигирмага яқин асар яратди. Айнан шу вақтда газета ва журналларда мақолалар ёзиб, қалами анча чархланган, турк, татар ҳамда рус адабиётидан анча хабардор Ҳамза ўзбек адабиёти учун нисбатан янги тур – насрга қўл урган эди<sup>69</sup>.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийни ижод фаолиятини шартли равишда икки босқичга бўлиш мумкин. Хусусан, ижодининг биринчи босқичи 1905-1917 йилларда лирик шоир, маърифатпарвар куйчи сифатида ижод этди. Шоир ижодининг иккинчи даври 1918 йилдан унинг фожиали ўлимигача давом этди. Бу даврда Ҳамза совет ҳокимиятини қабул қилиб, шу руҳда ижод қилди.

<sup>58</sup> Ҳамза. Тўла асарлар тўплами. – Беш томлик. Том 5. – Тошкент: Фан. 1989. – Б. 352.

<sup>59</sup> Ҳамза. Мукамал асарлар тўплами. Тўрт томлик. Том 4. – Тошкент: Фан, 1981. – Б. 12.

<sup>60</sup> Ўзбекистон ФА Давлат адабиёт музейи архиви, 133-фонд (Ҳамза архиви), 2-ҳужжат, 5-варақ.

<sup>61</sup> Ўзбекистон ФА Давлат адабиёт музейи архиви, 599-фонд (Ҳамза архиви), 1-ҳужжат, 1-варақ.

<sup>62</sup> Ҳамза. Тўла асарлар тўплами. Беш томлик. Том 2. – Б 314-342.

<sup>63</sup> Ҳамза Тўла асарлар тўплами. Беш томлик. Том 2. – Б 343-364.

<sup>64</sup> Ҳамза. Тўла асарлар тўплами. Беш томлик. Том 2. – Б 365- 395.

<sup>65</sup> Ҳамза. Бидъайми? Маусиятми? // Садойи Туркистон, 1914 йил 20 май; Ўша муаллиф. Авлоди Туркистон, бу дам доғи ватанлардан гапур // Садойи Туркистон, 1914 йил 20 май; Ўша муаллиф. Фақирлик намадан ҳосил ўлур // Садойи Туркистон, 1914 йил 10 август; Ўша муаллиф. Аҳволимиз // Садойи Туркистон, 1914 йил 22 август; Ўша муаллиф. Рамазон. // Садойи Туркистон, 1914 йил 10 август.

<sup>66</sup> Ҳамза. Мактаби дор ул-айтом. // Садойи Фарғона, 1914 йил 17 сентябр; Ўша муаллиф. Эътизор. // Садойи Фарғона, 1914 йил 9 октябр; Ўша муаллиф. Муаллим афандиларимизга улуғ рижомиз // Садойи Фарғона, 1914 йил 25 октябр; Ўша муаллиф. Явмул вафот // Садойи Фарғона, 1914 йил 24 сентябр; Ўша муаллиф. Муҳаммас бар ғазали Авлоний Тошкандий // Садойи Фарғона, 1914 йил 25 май; Ўша муаллиф. Имрўз гарди гардун бо даври дийда жо шуд // Садойи Фарғона, 1914 йил 2 октябр; Ўша муаллиф. Биз ва жума байрамимиз // Садойи Фарғона, 1914 йил 25 май.

<sup>67</sup> Ҳамза. Туркистон Мухториятина // Улуғ Туркистон, 1918 йил 11 январ; Ўша муаллиф. Уён Ватан. // Улуғ Туркистон, 1917 йил 21 октябр.

<sup>68</sup> Ҳамза. Таассуфнома // Ал-Ислох, 1915 йил 1 ноябр; Ўша муаллиф. Янги саодат // Ал-Ислох, 1915 йил 15 июл.

<sup>69</sup> Қосимов Б., Юсупов Ш., Долимов У. ва б. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. – Тошкент: Маънавият, 2004. – Б. 252.

